

МОМОЛАРНИНГ ЎЛМАС МЕРОСИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 сентябрдаги 816-сон қарорига асосан, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятда уларнинг ўрнини янада ошириш мақсадида ҳар йил октябрь ойининг биринчи ҳафтасида юртимиз миқёсида “Кексалар ҳафталиги”ни ўтказиш белгиланган. Шу муносабат билан Олтинсой тумани Гулчечак ва Қизилтепа маҳалла фуқаролар йиғинларида кекса онахонлар иштирокда Момоларнинг ўлмас мероси мавзусида ўқувчи қизлар иштирокда тадбир ўтказилди.